

Юлиан Семенов

БАХОРНИНГ УН ЕТТИ
ЛАХЗАСИ



ЮЛИАН СЕМЁНОВ

БАҲОРНИНГ ЎН ЕТТИ ЛАҲЗАСИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

«ФАН» нашриёти

Тошкент—2018

УЎТ 821.161.1-31
КБТ 84(2Рос)
С 43

Русчадан ТУРФУН ВАЛИЕВ таржимаси

Юлиан Семёнов

С 43 **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси / Юлиан Семёнов**
Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан» нашриёти, Т.: 2018.
— 352 б.

ISBN 978-9943-19-446-5

1945 йил баҳор фасли. Улуғ Ватан урушининг охириги кунлари. Фашизм ўлим ёқасида ётибди, аммо кураш тугаганича йўқ. Даҳшатли, шиддатли кураш ҳали давом этмоқда. Гитлерчилар Германиясининг сўнгги кунлари. Ана шундай вазиятда душман уясида иш кўрган совет разведкачиси Максим Исаев ҳақида ҳикоя қилинади ушбу романда. Совет разведкачиси зиммасига юкланган вазифа — фашистларнинг ғарб мамлакатлари бошлиқлари билан сепарат сулҳ тузишга уринишларини фoш этиш ва барбод қилишдан иборат бўлиб, бу вазифани у шараф билан бажаради.

УЎТ 821.161.1-31
КБТ 84(2Рос)

ISBN 978-9943-19-446-5

© Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан»
нашриёти, 2018

1

Штирлиц бирпас ҳайрон бўлиб қолди: шу мавсумда боғда булбул сайрарди. Ҳаво совуқ, осмон кўкимтир, теварак-атроф баҳор келишидан дарак бериб, нозик акварелни эслатиб турса-да, ерни қалин қор босиб ётарди. Унда ҳали тунда эрийдиган қорга хос ним кўкиш ранг йўқ эди.

Кекса дарахтларнинг йўғон танаси қорайиб турарди; боғдан янгигина музлатилган балиқ иси келарди. Ҳар баҳоргидек ҳали арча ва тоғ теракларнинг ўтган йилги хазонининг бўрсиш ҳиди сезилмаса ҳам, сукунат босган қоп-қора боғда булбул дам чертиб-чертиб, дам чуриллаб — минг оҳангда хониш қиларди.

Штирлиц бувасини эслади. Серсоқол, бароқ қошли чол қушлар тилига тушунарди. У читтакларни алдаб чақирарди-да, дарахт тагига ўтириб олиб, узоқ вақт қушчаларга тикиларди, бундай пайтларда унинг кўзлари ҳам худди қушчаларникидек жавдираб кетарди, қушчалар эса ундан мутлақо ҳадиксирамасдилар.

— Чур-чур-чур-р-р! — қушчаларга тақлид қилиб хуштак чаларди бобо.

Читтаклар эса унинг овозига ишонч билан, чуриллаб жавоб беришарди.

Қуёш ботди, танаси қора дарахтлар оппоқ қор устига бир текисда гунафшаранг соя ташлади.

«Бечора, совуқда қотиб қолмасайди, — ўйларди Штирлиц шинелига яхшилаб ўраниб, уйга қайтаркан. — Унга ёрдам ҳам бера олмайсан: булбул зоти борки, одамларга ишонмайди».

Штирлиц соатига ҳаради: роппа-роса етти.

«Ҳозир келади, — ўйлади Штирлиц. — У доим вақтида келарди. Ҳеч ким кўрмаслиги учун станциядан ўрмон орқали ўтиб келишини ўзим тайинлаган эдим унга. Ҳечқиси йўқ. Кутиб турман. Бу ер гўзал жой, кутиш ҳам гашт...»

Бу агентни Штирлиц доимо шу ерда, кўл бўйидаги уйда қабул қиларди. Бу яширин уй жуда қулай, теварак-атроф тинч,

одамлар кўзидан узоқ, эман ўрмонида жойлашган. У СС обер-группенфюрери Полни бомбардимон пайтида ҳалок бўлган «Опера» раққосаларининг болалари ихтиёридаги бу виллани сотиб олиш учун пул ажратишга кўндираман, деб уч ой овора бўлди. Бола фақирлар жуда баланддан келдилар. СС ва СД хўжалик сиёсати учун жавобгар бўлган Поль Штирлиц таклифини рад қилаверди. «Ақлингизни едингизми, — деган эди у, — кичикроқ бир уйни ижарага олинг. Бунчалик зеби-зийнатга интилиш нимаси? Биз пулни бўлар-бўлмасга исроф қила олмаймиз! Бундай қилсак, бутун уруш оғирлигини зиммасига ортган миллатга нисбатан хоинлик қилган бўламиз».

Штирлиц бу ерга ўз шефи — хавфсизлик хизмати сиёсий разведкаси бошлиғи, ўттиз тўрт ёшли СС бригаденфюрери Вальтер Шелленбергни олиб келишга мажбур бўлди. Гўзалликнинг қадрига етадиган, жуда идрокли ва оқил одам бўлган Шелленберг жиддий агентлар билан суҳбат қилиш учун бундан яхшироқ жойни топиш қийин эканлигини дарҳол фаҳмлади. Вилла қалбаки шахслар номига сотиб олинди ва «Робер Лей номидаги халқ химия корхонаси»нинг бош инженери Бользен деган киши ихтиёрига ўтди. У катта маош ва яхши паёк эвазига қоровул ёллади. Ана шу Бользен деган кимса СС штандартенфюрери фон Штирлицнинг ўзи эди.

... Дастурхон тузаб бўлгач, Штирлиц приёмникни қўйди. Лондон хушчақчақ бир куйни эшиттирарди. Америкалик Глэн Миллер оркестри «кўёшли водий серенадаси» филмидан композицияни ижро этарди. Бу фильм Гиммлерга маъқул тушиб, Швециядан унинг бир нусхаси сотиб олинган эди. Шундан бери бу лентани Шаҳзода Альбрехтштрассе подвалида, айниқса, маҳбусларни сўроқ қилиш мумкин бўлмаган тунги бомбардимон пайтларида тез-тез томоша қилиб турардилар.

Штирлиц қўнғироқ чалиб қоровулни чақирди ва у келгач, деди:

— Бугун сиз шаҳарга, бола-чақаларингиз олдига боришингиз мумкин. Эртага эрталаб соат олтига етиб келинг, агар мен ҳали жўнаб кетмаган бўлсам, аччиқ, иложи борица аччиқ кофе дамлаб берасиз...

«ЮСТАС — АЛЕКСГА.

Берлиндан.

Февраль ойида Шарқий фронтдаги армиялар группаларининг сон ва жанговар состави тўғрисида маълумот.

<i>1. «Курландия» армиялар группаси</i>	<i>20 қўшилма</i>
<i>сонни</i>	<i>232 минг киши</i>
<i>жанговар состав</i>	<i>110 минг киши</i>
<i>2. «Шимол» армиялар группаси</i>	<i>28 қўшилма</i>
<i>сонни</i>	<i>384 минг киши</i>
<i>жанговар состав</i>	<i>141 минг киши</i>
<i>3. «Висла» армиялар группаси</i>	<i>37 қўшилма</i>
<i>сонни</i>	<i>527 минг киши</i>
<i>жанговар состав</i>	<i>280 минг киши</i>
<i>4. «Марказ» армиялар группаси</i>	<i>43 қўшилма</i>
<i>сонни</i>	<i>413 минг киши</i>
<i>жанговар состав</i>	<i>191 минг киши</i>
<i>5. «Жануб» армиялар группаси</i>	<i>35 қўшилма</i>
<i>сонни</i>	<i>449 минг киши</i>
<i>жанговар состав</i>	<i>143 минг киши</i>
<i>У мумий сони</i>	<i>865 минг киши</i>
<i>У мумий жанговар состав</i>	<i>2 миллион</i>
	<i>5 минг киши</i>

Манбаи — резерв армиясининг подполковниги.

ЮСТАС».

«ШВАРЦ — АЛЕКСГА. Венадан.

Мазмуни — 1. 2. 1945 йилга келиб резерв армиясининг сони:

а) резерв состави, тарбияланаётганлар ҳам қўшилганда — 546 минг киши;

б) ўқув ҳарбий қисмларининг доимий состави — 147 минг киши;

в) ҳарбий мактаблар ва курслардаги курсантлар — 113 минг киши;

е) госпиталларда даволанаётганлар — 650 минг киши;

д) ландвер қисмлар — 205 минг киши;

е) гарнизон қисмлар — 18 минг 500 киши;

ж) бошқа хизмат ва ҳарбий қисмлар — 143 минг киши;

з) ҳисобга олинмаган шахсий состав — 310 минг киши.

Жами — 2 миллион 132 минг 800 киши

Манбаи — Қўшилмалар бирлашган қўмондонлиги
стенографисти.

ШВАРЦ».

«ГРЕТТА — АЛЕКСГА.

Олинган ҳужжатлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки,
1945 йил январида Германия саноати:

ўқ-дориларни — 1941 йилдагига қараганда уч марта кўп;

қурол-аслаҳаларни — 1941 йилдагига қараганда икки марта
кўп;

танкларни — 1941 йилдагига қараганда етти марта кўп;
самолётларни — 1941 йилдагига қараганда уч марта кўп; кема-
ларни — 1941 йилдагига қараганда бир ярим марта кўп ишлаб
чиқарган.

Манбаи — планлаштириш масалалари бўйича
рейхсминистр Шпеер ёрдамчисининг секретари.

ГРЕТТА».

«ЗИГФРИД — АЛЕКСГА.

Копенгагендан.

Кеча Испания байроғи остидаги яхтага юқори унвонли икки
СД офицери ўтирди. «Мовий осмон» деб аталган яхта Сток-
гольмга йўл олди. СД офицерлари қўлида инженер-гидрологлар
ҳужжати бор. Уларни сиёсий полиция шефи Шелленберг кузатиб
қолди.

Манбаи — порт карантин хизмати.

ЗИГФРИД

«АНЖЕЛА — АЛЕКСГА.

Мюнхендан.

РХСА маҳаллий бўлимига юқори мансабли СС офицерлари ўз
машиналарида келиб туришади. Бу ерда улар бошқа машиналар-
га, кўпинча француз ва америка автомобилларига ўтириб, Швей-
царияга жўнайдилар. Кеча кун бўйи бешта ана шундай машина
Швейцарияга жўнаб кетди.

Манбаи — чегара райони автомобилларига
техника хизмати кўрсатувчи мастер.

АНЖЕЛА».

«ТОМАС — АЛЕКСГА.

Лейпцигдан.

Банк ҳар кунни савдо учун Испания банкларига — уларнинг аниқ номини ҳали билолганимизча йўқ — каттагина суммада пул жўнатмоқда. Партиянинг оддий аъзолари ёки уларнинг хотинлари 100 000 маркадан то 400 000 маркагача пул топшироқдалар. Аниқланган маълумотларга қараганда, бу пуллар уларники бўлиши мумкин эмас.

Манбаи — банк кассири.

ТОМАС».

Совет разведкачисининг раҳбари — Алекса етиб келган бу маълумотларнинг ҳаммаси иложи борича синчиклаб қайтадан текширилди. Қайта текшириш олинган хабарларнинг тўғри эканлигини исботлади. Шундан сўнг улар танишиб чиқиш учун ДМК¹ аъзоларига жўнатилди.

Разведка раҳбари яқин кунлар ичида ғоятда мураккаб топшириқ олишини тўғри тахмин қилган эди, чунки жуда қизиқ, хийла чалкаш, кўп жиҳатлари ноаниқ бир манзара рўй бераётган эди.

— Ҳар эҳтимолга қарши, — деди у ўз секретарига, — радио билан боғланинг. Улар Юстас учун махсус эшиттириш тайёрласинлар. Аниқ ҳеч нима дейилмасин — топшириқни кутсин. Негадир мен топшириқни у бажарса керак деган ишончдаман. Фақат угина бажара олади ва бу унга берилган энг сўнгги топшириқ бўлса керак деган умиддаман.

...1945 йилнинг январидида руслар Краковга кириб борган ва жуда синчиклаб миналаштирилган шаҳарни омон сақлаб қолганларидан кейин, Кальтенбруннер ана шу қасд олиш актини бажаришга жавобгар бўлган гестапо шарқий бошқармасининг шефи Крюгерни ҳузурига олиб келишларини буюрди.

Кальтенбруннер генералнинг салобатли юзига тикилганча узоқ вақт индамай турди, кейин аста сўради:

— Ўзингизни оқловчи — фюрерни ишонтира оладиган бирорта объектив далилингиз борми?

Бесўнақай, аммо кўринишидан очиқ кўнгилли Крюгер бун-

¹ Давлат Мудофаа Комитети

дай саволни кутган ва унга жавоб ҳам тайёрлаб қўйган эди. Аммо у бир тўда ҳис-туйғуларни изҳор этишга мажбур бўлди: СС ва партиядаги ўн беш йиллик хизмати давомида актёрлик санъатини ҳам эгаллаб олган эди. Ўзини бутунлай оқлаш мумкин бўлмаганидек, саволга ҳам дарҳол жавоб қайтариш керак эмаслигини Крюгер яхши биларди. У юриш-туришида ҳар вақт ва ҳар ерда бир чизикдан чиқмасди — у ҳатто уйида ҳам бутунлай бошқа одам бўлиб қолганлигини англаб қоларди. У яна бир нарсани сезди: баъзан тунда уйғониб кетиб, кўзи юмуқлигича сукунатга қулоқ солиб ётарди: назарида ана шу қоронғи хонада ҳам кимдир совуққонлик ва вазминлик билан мутгасил кузатиб тургандек туюларди. Аввал у баъзан хотини билан суҳбатлашарди, суҳбатлашганда ҳам тунда, пичирлашиб гаплашарди, лекин махсус техника ривож топиши билан, — Крюгер эса бундай техниканинг муваффақиятларини бошқалардан кўпроқ биларди, — у баъзан хаёлига келадиган фикрларни бутунлай гапирмайдиган бўлди. Ҳатто хотини билан ўрмонда сайр қилиб юрганида ҳам индамасди ёки майда-чуйдалар ҳақида гапирарди, чунки марказда бир километр ёки ундан ҳам наридаги гапларни ёзиб олувчи аппарат ихтиро қилинганга ўхшарди назарида.

Шундай қилиб, у аста-секин ўзгара борди. Аввалги Крюгер бутунлай ғойиб бўлиб, унинг ўрнига ҳаммага таниш ва ташқи кўриниши мутлақо ўзгармаган киши қиёфасида ҳеч кимга таниш бўлмаган, ҳақиқатни айтиш у ёқда турсин, ҳатто ўйлашга ҳам журъат эта олмайдиган янги киши пайдо бўлганди.

— Йўқ, — жавоб қайтарди Крюгер қошини чимириб, ичдан жўшиб келган хўрсинишини аранг босиб, — ўзимни оқлаш учун етарли далил йўқ... Бўлиши ҳам мумкин эмас. Мен — солдатман, уруш урушлигича қолади, мен ўзимга енгиллик берилишини кутмайман.

У ўз ролини аниқ ижро этарди. У бир нарсани яхши биларди — ўзига нисбатан қанчалик бераҳм бўлса, Кальтенбруннер қўлидаги қурол шунчалик ўтмаслашади. Ов итини қуённинг қочиши қутуртиради-да, ахир. Крюгер, агар қуён қочмай, оёғини кўтариб ётиб олса, итлар нима қилишини билмасди, албатта, аммо ССдаги муносабатларни аниқ биларди: у ўзини ўзи қанчалик саваласа, қаршилиқ кўрсатмай, айбни зиммасига олса,

Кальтенбруннер (ёки унинг ўрнида кимки бўлмасин) шунчалик юмшайди.

— Хотинчалиш бўлманг, — деди Кальтенбруннер папирос тутатар экан, шунда Крюгер ўз хатти-ҳаракати бутунлай тўғри эканлигини тушунди: у ўзига ўзи қойил қолди. — Муваффақиятсизлик яна такрорланмаслиги учун ҳаммасини анализ қилиб кўриш лозим.

— Обергруппенфюрер, айбим чексиз эканлигини тушунаман. Лекин штандартенфюрер Штирлицни тинглаб кўришингизни истардим. У бизнинг операциямиздан тўла хабардор бўлиб, ҳаммаси астойдил ва синчиклаб тайёрланганлигига гувоҳлик бериши мумкин, — деди Крюгер.

— Штирлицнинг операцияга қандай алоқаси бор эди? — деди Кальтенбруннер елкасини қисиб. — У разведкадан, Краковда бошқа масалалар билан шуғулланган бўлса.

— Унинг Краковда йўқолган ФАУ билан шуғулланишини билардим, аммо қайтиб келгач рейхсфюрерга ёки сизга ишни қандай бажарганимиз ҳақида ахборот берар деган умидда, операциямизнинг икир-чикирларигача таништиришни ўз бурчим деб билдим. Мен сиздан қўшимча кўрсатмалар кутдим, лекин ҳеч нима олмадим.

— Бу операция билан танишиш лозим бўлган кишилар рўйхатида Штирлиц бормиди?

— Билмадим.

Кальтенбруннер котибини чақириб, унга деди:

— Марҳамат қилиб, олтинчи бошқармадан Штирлиц «Шварцфайер» операциясини амалга оширувчилар рўйхатига киритилган эканми ёки йўқми, шунга билиб келинг.

Котиб чиқиб кетгач, Штирлицни жуда барвақт зарбага рўпара қилаётганини тушуниб, Крюгер орқага чекинди.

— Ҳамма айб менинг ўзимда, — давом эттирди у сўзини бошини эгиб. — Мабодо Штирлицни жазолайдиган бўлсангиз, мен қаттиқ изтиробда қоламан: мен уни содиқ курашчи сифатида жуда ҳурматлайман. Мени оқлаш мумкин эмас, мен ўз айбимни фақат жанг майдонида қон билан ювишим мумкин.

— Бу ерда душманларга қарши ким курашади?! Менми?! Бир ўзим-а?! Ватан ва фюрер учун фронтда ҳалок бўлишдан осон



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3612> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3612> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3612>